



2017 йил «1» май

№ 4634

Нуробод туманидаги “Сарикул”, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи “177-милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 феврал кунги Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилишида профилактика инспекторларига муносиб турмуш шароитларини яратишга, айниқса уларни уй-жой билан таъминлаш юзасидан берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни тубдан соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссияси аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссия аъзоларининг “Сарикул” маҳалласи ҳудудидан “177-сонли милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан 200.0 кв.м. ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин ва ер майдони ажратиб берилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га “Сарикул” маҳалласи ҳудудидан “177-сонли милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жойнинг ер майдонини натура тарзида ўлчаб берилиши, қурилиш учун АРТ-1-2 хужжатлари ҳамда шаҳарсозлик талаблари асосида лойиҳа хужжатлари ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши бўйича доимий мониторинг ўриштириш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилсин.

Туман ҳокими

